









муҳофаза қилиш борасидаги дастурларни жорий қилишда Ўзбекистоннинг минтақадаги намунавий модель сифатида эътироф этилгани ҳам исботлайди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Гап шундаки, халқимиз ҳар бир байрамни кувончли ютуқ ва муваффақиятларни сарҳисоб қилиб, келгусидаги режаларни пишиқ-пuxта қилган ҳолда нишонлашга одатланган. Қир-адирларда, бог-роғларда, қишлоғу кентларда шоду хуррамлик

ятларимизга эътибор, келажак ворислари учун яратилаётган шарт-шароит ва ғамхўрлик, аҳоли саломатлигини асраш борасидаги туб бурилиш — буларнинг барчаси МУСТАҚИЛЛИК шарофатидандир. Зеро, халқимиз истиқлолнинг мазмун-моҳиятини англаб етди, Ватан равнақиға ўз хиссани кўшишга интилиш фуқароларимизнинг эътиқодий бурчига айланди. Наврўз байрамининг бугунги жозибаси ва шуқуҳи ҳам, шак-шубҳасиз, истиқлол

яна бир юксак ифодасидир. Шунинг учун Наврўзни ҳам катта хурсандчилик билан ўтказамиз. Ҳар куни сумалак, ҳалим, гўжа каби азалий таомларимизни тайёрлаш бахонасида бир жойга йиғиламиз. Кимнинг қандай ташвиши бор, ким тўй қилмоқчи, ким хаста — мана шулар ҳақида маслаҳатлашиб, кўмакка чоғланамиз. Мустақиллик боис бундай бебаҳо қадриятларимиз янгича мазмун-моҳият касб этди. Ана шу янгиланишларга ҳеч қачон кўз тегмасин, деймиз.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил кириб келиши муносабати билан халқимизга йўллаган Янги йил табриғида шундай сўзлар бор: "...Нафақат 2011 йилдаги, балки узоқ ва давомли орзу-ниятларимизни амалга оширишнинг яққа ягона шарт, бу — жамиятимизни янгилаш, мамлакатимизни модернизация қилиш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамияти барпо этиш бўйича мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб амалга ошираётган, узоқни кўзлаган ислохотлар сиёсатини ҳеч иккиланмасдан, қатъият билан давом эттиришдан иборат, десак, ҳеч қандай хато бўлмайдими".

Айтишларича, йил боши — Наврўз олдидан қилинган яхши ният, албатта, ижобат бўлар экан. Бинобарин, Наврўз нафаси уфуриб турган шу кунларда ҳар бир юртдошимиз қалбида эзгу ниятлар жўш урмоқда. Мамлакатимизда рўй бераётган янгиланишлар, ўзгаришлар эса ана шундай беғубор орзуларнинг амалга ошишига кафолат бўлиб хизмат қилаётир...

Мақсуд ЖОНИХОНОВ.

# МУНАВВАР АЙЁМ ШУҚУҲИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Биз болажон халқимиз. Ўзидан кўра фарзанднинг камолини ўйлаб яшаш халқимизга хос хислат. Уларнинг ўз орзу-истакларига эришишида саломатлик энг асосий омил саналади. Маълумки, соғлом авлод деганда, соғлом насли тушунамиз. Бу борада Президентимиз ташаббуси билан "Соғлом она — соғлом бола" госясини ўзида мужассам этган дастур асосида кенг кўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилмоқда. Вилоятларда ташкил этилган "Она ва бола скрининги" марказларида кўплаб ирсий касалликларнинг олдини олиш ва даволашни юқори даражага кўтариш, болаларнинг ирсий хасталиклар билан ва нуқсонли туғилишининг

хавфини камайтириш имконини бермоқда.

Бундан ташқари, "Туғиш ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмир қизларни соғломлаштириш ҳафталиги" мунтазам равишда ўтказилмоқда. 2010 йилнинг ўзида туғуруқ ёшидаги 7 миллион 800 минг аёл ва 14 ёшгача бўлган 8 миллион 500 минг бола тиббий кўриқдан ўтказилди...

Бир қатор нуфузли халқаро институтларнинг баҳолашича, Ўзбекистон дунёнинг 125 давлати орасида хотин-қизлар учун қулай шароитлар яратиш ва оналикни муҳофаза қилиш борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Буни ЮНИСЕФнинг Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари бўйича офиси томонидан оналик ва болаликни

ила Наврўзга муносиб пешвоз чиқишга интилган. Кун ва тун тенг келган давларда бободехқонларимиз экин-тикин ишларини бошлаб юборишган. Хайру саховат, бағрикенглик, бирбировга яхшилик қилиш каби халқимизга хос хислатлар бу айём чоғида янада яққолроқ намоён бўлган. Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида таъкидланганидек: "Барчамиз доимо орзиқиб кутадиган ва катта хурсандчилик, шодиёна билан ўтказадиган Наврўз байрами биз учун ҳаёт абадийлиги, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатининг, кўп минг йиллик мамлакатимизнинг қиёфамиз, олижаноб урф-одатларимизнинг бетакрор ифодаси бўлиб келмоқда".

Истиқлол йилларида амалга оширилаётган ислохотлар, маънавий кадр-

туфайлидир.

— Мен қишлоқда яшайман, — дейди Чирокчи туманилик ўқитувчи Тўхтамурод Носиров. — Бу билан фахрланаман. Негаки, бугун қишлоқларимиз қиёфаси шаҳардагидан қолишмайдиган даражада жозоба касб этиб бормоқда. Муҳташам мактаблар, коллеж ва лицейлар, спорт иншоотлари болаларимиз ихтиёрида. Бу ўзгаришлар юртимизда инсон қадрини улуғланаётганлиги, фарзандларимизнинг келажакга мустақам пойдевор қўйилаётганлигининг

## ЧЕМПИОНАТДА ТҮРТ ПЕШҚАДАМ

Футбол бўйича Ўзбекистон XX миллий чемпионати олий лигасида иккинчи тур учрашувлари якунланди.

Иккинчи турнинг қолган учрашувларида куйидаги натижалар қайд этилди: "Динамо" — "Бухоро" 0:1, "Нефтчи" — "Металлург" 3:1, "Андижон" — "Сўғдиёна" 2:1, "Қизилқум" — "Насаф" 0:1.

### Спорт

Амалдаги чемпион "Бунёдкор" ушбу турда ўз майдонида "Навбахор"ни қийинчилик билан (1:0) мағлубиятга учратишга муваффақ бўлди. Мезбонлар ҳисобидаги ягона голни сербиялик легионер Милош Трифуневич киритди. "Пахтакор" ҳам сафарда "Олмалик" жамоаси устидан 1:0 ҳисобида зафар кучди. Турнинг энг куч-

тилмаган натижаси Фузурда қайд этилди. ОФК кубоғи

иштирокчиси, ушбу мавсумда голибликка даъвогарлар каторида эътироф этилган "Шўртан" жамоаси Муборакнинг "Машъал" клубини қабул қилиб, 1:4 ҳисобида ютқазиб қўйди.

Норбек НИЁЗОВ.

**Эраксларга эмг вақтин совға!**

- Корона;
- Ташкент;
- Оёқ муштасомлари;
- Ой ва йўлнинг: йўл кўрсаткичи

**Эракслар вақтин-вақтинлари қандай педрақларимиз тилани ва етказиб бергани учун буюртмалар қабул қиламиз.**

**"Эракс" Эракслар вақтин вақтинлари тилани бергани учун буюртмалар қабул қиламиз.**

Тел.: 234-48-11, 234-49-58. Факс: 234-49-58. www.eras.com.uz, e-mail: eras@eras.com.uz

**Россия линолеуми**

Тел.: 234-48-11. Факс: 234-49-58.

**«Potolok-stroy-servis» XK**

**Шифт учун Армстронг стандарт гипс плиталари**

600 x 600 мм, 610 x 610 мм. Ассортимент 22 турда.

Тел.: 325-37-77, 370-90-95.



**Халқ сўзи Народное слово**

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 303. 78776 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибиат 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Тахририятга келган кўлемлар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

1-Тижорат материал

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Набатчи котиб — А. Орпнов.  
Набатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.  
Набатчи — Қ. Хидиров.  
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.55 Топширилди — 01.00 1 2 3 4 5